

IN MEMORIAM**Омон Мўминов (1941-2017)**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржима назарияси ва амалиёти факультети “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Омон Мўминов 2017 йил 6 ноябрда касалликдан сўнг вафот этди. Омон Мўминов 1941 йил 26 августда Тошкент шаҳрида таваллуд топган эди.

У 1960-1965 йилларда Тошкент давлат чет тиллари педагогика институти инглиз тили факультети “инглиз ва ўзбек тиллари ўқитувчиси” мутахассислиги бўйича таълим олди.

У Морес Торез номидаги Москва давлат чет тиллари институтининг аспиранти бўлиб, инглиз тили бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳимоядан сўнг Тошкентга ўзи тугатган чет тиллар институтига қайтиб келди ва факультетнинг “Инглиз тили лексикаси” кафедрасида мудирлик лавозимида фаолият олиб борди.

Кейинчалик Тошкент давлат чет тиллари педагогика институти инглиз тили факультети декан муовини, 1994 йилда то 2002 йилгача Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти томонидан ташкил этилган янги йўналиш “Таржимонлик” факультетига декан этиб тайинланди. 2002-2012 йиллар мобайнида “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудирини ва умрининг сўнгги кунигача “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедрасида сидқидилдан фаолият олиб борди, ёшларга мураббийлик, аспирант ва илмий ходимлар илмий ишларига раҳбарлик қилди. Унинг раҳбарлигида 15 дан

ортиқ фан номзоди етишиб чиқди, талабаларнинг битирув малакавий ишлари ҳамда магистрларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик қилди.

Омон Мўминов бакалаврият ва магистратура йўналишларида “Таржима мутахассислигига кириш”, “Мамлакатшунослик”, “Инглиз тили лексикологияси”, “Таржимашунослик”, “Лингвистик таржимашунослик” фанларидан қизиқарли маърузалар ўқиб, семинар машғулоти олиб борди.

У инглиз тили ва таржима йўналиш бўйича бир нечта қўлланма, дарсликлар муаллифи. “Инглиз тили лексикологияси”, ҳаммуаллифликда “Инглиз тили грамматикаси машқлар тўплами”, “Таржимонлар учун инглиз тили” яқка муаллифликда “Таржима тарихи”, “Синхрон таржима”, “Кетма-кет таржима” кабилар шулар жумласидандир. Мазкур ўқув адабиётидан бутун республикадаги турдош олий ўқув юрти талабалари ўқув жараёнида фойдаланиб келмоқда. Бундан ташқари О.Мўминов олий ўқув юртлари, республика ва хорижий илмий тўплам ва журналларида 100 га илмий мақола чоп эттирган.

Омон Мўминов узоқ йиллар давомида лингвистика бўйича университет Илмий семинарига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилиб келди. У университет ва факультет миқёсидаги ташкилий ишларда фаол иштирок этарди. Университетда ташкил этилган турли комиссия аъзоси сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Меҳнатсевар, самимий, ёшларнинг мураббийси, қалби пок, ўз касбининг устаси, инглиз тилининг билимдони, таржима соҳасининг жонкуяри Омон Мўминовнинг порлоқ хотираси доимо шогирдлари, талабалари ҳамда ҳамкасблари қалбида абадий қолади.

Оллоҳ раҳмат қилсин ва охиратлари обод бўлсин!

Носир Қамбаров
ЎзДЖТУ “Таржимашунослик назарияси
ва амалиёти” кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди